

**Рўйхатдан ўтказиш рақами: 697**

**“ТАСДИҚЛАНГАН”**  
“Асака” Банк Кенгашининг 2017 йил “30”  
майдаги 32-сон баённомаси билан.

**“АСАКА” БАНКИ  
АХБОРОТ СИЁСАТИ ТЎҒРИСИДА  
НИЗОМ**

## МУНДАРИЖА

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР .....	3
II. АХБОРОТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ .....	4
III. ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА МУВОФИҚ ОШКОР ҚИЛИНИШИ ШАРТ БЎЛГАН АХБОРОТЛАР РЎЙХАТИ, УЛАРНИ ОШКОР ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ ВА ТАРТИБИ ..	5
IV. ҚЎШИМЧА АХБОРОТ РЎЙХАТИ ВА ОШКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ .....	6
V. БАНК БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ АЪЗОЛАРИ, МАНСАБДОР ШАХСЛАРИ, ХОДИМЛАРИ ВА БАНКНИНГ МАНФААТДОР ШАХСЛАРИ ЎРТАСИДА АХБОРОТ АЛМАШИНИШ ТАРТИБИ .....	7
VI. БАНК АХБОРОТ СИЁСАТИГА РИОЯ ҚИЛИНИШИ УСТИДАН НАЗОРАТНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР .....	8
VII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР .....	8

## **I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Мазкур “Асака” банки ахборот сиёсати тўғрисидаги Низом (қуйида матн бўйича – “Низом”) Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини жорий қилиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4720-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 02 июлдаги “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги 176-сон ва 2013 йил 31 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиш аҳволини баҳолаш тизимини жорий қилиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги 355-сон қарорлари, Қимматли қоғозлар бозорида ахборотни тақдим қилиш ва эълон қилиш қоидалари (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 31 июлда 2383-сон билан рўйхатдан ўтказилган) ҳамда Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссиясининг 2015 йил 31 декабрдаги йиғилишида 9-сон баённома билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодексига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Мазкур Низом мажбурий ошкор қилинадиган ахборот ва ҳужжатлар рўйхатини белгилайди, шунингдек “Асака” банки (қуйида матн бўйича – “Банк”) томонидан уларнинг тақдим этилиш тартиби ва муддатларини тартибга солади.

2. Ахборот сиёсати мақсади акциядорлар, инвесторлар, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари ва бошқа манфаатдор шахслар (қуйида матн бўйича – “манфаатдор шахслар”)нинг Банк ва унинг фаолияти тўғрисида асосли маълумотларга бўлган ахборот эҳтиёжларини қондириш орқали Банк фаолиятининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлашдан иборат.

3. Ахборот сиёсати манфаатдор шахсларнинг улар томонидан инвестиция ва бошқарув қарорлари қабул қилиниши учун муҳим ҳисобланган Банк ва унинг фаолияти тўғрисида асосли маълумотлар олиш ҳуқуқларини тўлиқ амалга оширишга, шунингдек Банк тўғрисидаги махфий ахборотни ҳимоя қилишга қаратилган.

4. Ахборотни тижорат ва банк сири тоифасига киритиш тартиби, тавсифлари ва ундан фойдаланиш шарт-шароитлари Ўзбекистон Республикасининг “Тижорат сири тўғрисида”, “Банк сири тўғрисида”ги қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ Банк томонидан белгиланади.

## **II. АХБОРОТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ**

5. Ахборот сиёсатининг асосий тамойиллари ахборот ресурсларининг мунтазамлилиги, оперативлиги, фойдаланиш имконияти, тўлиқлиги, тенг ҳуқуқлилиги, мувоозанатлилиги, ҳимояланганлигидан иборат.

6. Мунтазамлилик тамойили Банк томонидан мунтазам асосда манфаатдор шахсларга Банк тўғрисидаги ахборот тақдим қилинишига қаратилган.

7. Оперативлик тамойили Банк манфаатдор шахсларни Банкнинг молия-хўжалик фаолиятига таъсир кўрсатадиган, шунингдек уларнинг манфаатларига дахлдор бўлган муҳим воқеалар ва ҳолатлар тўғрисида қисқа муддатларда хабардор қилишини аниқлатади.

8. Фойдаланиш имконияти тамойили дейилганда Банкнинг ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни тарқатишда манфаатдор шахсларнинг ошкор қилинадиган ахборотдан эркин, осон ва танловсиз фойдаланишларини таъминлайдиган каналлар ва усуллардан фойдаланиши тушунилади.

9. Тўлиқлик тамойили Банк барча манфаатдор шахсларга Банк тўғрисида, Банк фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш имконини берадиган

ҳажмда ҳақиқий аҳволга мос, ўзи ҳақида салбий ахборотни ошкор қилишдан бош тортмаган ҳолда ахборот тақдим қилишини англатади.

10. Тенг ҳуқуқлилиқ тамойили Банк барча манфаатдор шахсларга Банк фаолияти тўғрисида ахборот олишда ва ундан фойдаланишда тенг ҳуқуқлар таъминлашини англатади.

11. Мувозанатлилиқ тамойили Банкнинг очиклиги ва ошкоралиги ҳамда унинг тижорат манфаатлари таъминланиши ўртасида оқилона мувозанатга риоя қилиниши назарда тутилади. Бунда қуйидагилар мажбурий шартлар ҳисобланади:

- махфий ахборотни ҳимоя қилиш;

- қонун ҳужжатлари ва Банк ички ҳужжатлари билан белгиланган инсайдерлик ахборотини тарқатиш ва ундан фойдаланиш қоидаларига риоя этиш.

12. Ҳимояланганлик тамойили тижорат, банк сирини ёки бошқа сирни ўз ичига олган ахборотни ёки махфий ҳисобланган ахборотни ҳимоя қилишнинг қонун ҳужжатлари билан рухсат берилган усуллари ва воситаларидан фойдаланишни назарда тутати.

### **III. ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА МУВОФИҚ ОШКОР ҚИЛИНИШИ ШАРТ БЎЛГАН АХБОРОТЛАР РЎЙХАТИ, УЛАРНИ ОШКОР ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ ВА ТАРТИБИ**

13. Банк ошкор қилиниши шарт бўлган ахборотни Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 02 июлдаги “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги 176-сон ва 2013 йил 31 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиш аҳволини баҳолаш тизимини жорий қилиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги 355-сон қарорлари, Қимматли қоғозлар бозорида ахборотни тақдим қилиш ва эълон қилиш қоидалари (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 31 июлда 2383-сон билан рўйхатдан ўтказилган) ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳажмларда, муддатларда ва усулларда ошкор қилади.

14. Ахборотнинг мажбурий ошкор қилиниши қуйидагилар орқали амалга оширилади:

- Ягона корпоратив ахборот порталида (қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида);

- фонд биржасининг расмий веб-сайтида ([www.uzse.uz](http://www.uzse.uz));

- банкнинг расмий веб-сайтида;

- очик маълумотлар порталида;

- оммавий ахборот воситаларида.

15. Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи ёки фонд биржасининг расмий веб-сайтида ошкор қилиниши шарт бўлган ахборотни ўз ичига олган ҳужжатлар қуйидагилардан иборат:

- қимматли қоғозларни чиқариш маълумотномаси (қимматли қоғозлар ошкор жойлаштирилган ҳолатда);

- Банкнинг йиллик ҳисоботи, шу жумладан Халқаро молиявий ҳужжатлар стандартларига мувофиқ тузилган ҳисобот;

- Банкнинг йил биринчи чораги, биринчи ярим йиллиги ва тўққиз ой якунлари бўйича ҳисобот;

- Банк фаолиятидаги муҳим маълумотлар тўғрисида хабарлар.

Банк юқорида қайд этилган ахборотни Қимматли қоғозлар бозорида ахборотни тақдим қилиш ва эълон қилиш қоидалари (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 31 июлда 2383-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан белгиланган муддатларда, тартибда ва шаклда ошкор қилади.

16. Банк қимматли қоғозлари фонд биржасига киритилган ва (ёки) биржадаги баҳосини белгилайдиган варақада бўлган ҳолатда Банк Биржа бюллетени тўғрисидаги Низом талабларига мувофиқ барча керакли ахборотни ошкор қилади.

17. Банк расмий веб-сайтига эга ([www.asakabank.uz](http://www.asakabank.uz)) ва унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 02 июлдаги “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш бўйича чоратадбирлар тўғрисида”ги 176-сон Қарори билан белгиланган рўйхатдаги ахборотнинг ошкор қилинишини таъминлайди.

18. Қуйидаги ахборот оммавий ахборот воситаларида ошкор қилиниши шарт:

- акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар;
- Банкнинг жойлашган манзили (почта манзили) ва электрон почта манзиллари ўзгаришлари тўғрисида билдириш хати;
- Банкнинг имтиёзли ҳуқуққа эга акциядорларига акцияларни ёки акцияга конверсияланадиган эмиссия қимматли қоғозларини харид қилиш таклифи;
- Банк томонидан акцияларнинг пул тўлаб қайтариб олиниши тўғрисидаги ахборот;
- Банк тугатилиши тўғрисида, шунингдек унинг кредиторлари томонидан талабнома аризалари берилиш тартиби ва муддати тўғрисидаги ахборот.

#### **IV. ҚЎШИМЧА АХБОРОТ РЎЙХАТИ ВА ОШКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

19. Банк ўз расмий веб-сайтининг манфаатдор шахслар учун қулай инглиз ва рус тилларидаги версияларини мунтазам такомиллаштириш, уларда давлат тилидаги мавжуд барча ахборотни тааллуқли тилга таржимаси билан бирга жойлаштириш орқали ўз расмий веб-сайти такомиллаштирилишини таъминлайди.

20. Банк ўз расмий веб-сайтида қуйидаги қўшимча ахборотни ошкор қилади:

- Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этиш мажбуриятини қабул қилиш ва унга амал қилиш тўғрисида ахборот;
- ижроия орган тўғрисида маълумотлар, шу жумладан мазкур Банкда ишлаш давридаги маълумотлар;
- Банк Бошқарув фаолияти ва корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини баҳолаш натижалари;
- Банк акцияларининг 20 фоизидан кўпроғига эга акциядорлар тўғрисида ахборот;
- таклиф қилинаётган соф фойда тақсимланиши, дивидендлар миқдори асосланиши, уларнинг Банкда қабул қилинган дивиденд сиёсатига мувофиқлигини баҳолаш, шунингдек, зарур ҳолларда, соф фойданинг муайян қисмини Банкни ривожлантириш эҳтиёжларига йўналтириш ҳажмларини изоҳлаш ва иқтисодий жиҳатдан асослаш тўғрисида маълумотлар;
- Банкнинг инвестиция лойиҳалари шаклида реализация қилинадиган кенгайтириш, қайта тиклаш ва техник жиҳатдан қайта таъминланишни амалга ошириш бўйича кутилган соф фойда кўрсатилган режалари;
- мавжуд ҳолатда акциялар белгиланган баҳолари (котировкалари) бўйича ахборот, шунингдек фундаментал ва техник таҳлил натижалари, мутахассислар, экспертлар ва консултантлар изоҳлари ва прогнозлари;
- мавжуд ҳолатда Банк бизнес турлари бўйича капитал қиймати ва Банк капиталининг ўртача белгиланган қиймати миқдорлари, ушбу кўрсаткичлар

миқдорларининг асослари;

- хайрия (ҳомийлик) ёки бепул ёрдам кўрсатиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ҳамда бундай ёрдамни кўрсатиш (олиш) тартиби ва шарт-шароитлари тўғрисидаги, шунингдек амалда кўрсатилган (олинган) хайрия (ҳомийлик) ёки бепул ёрдам тўғрисидаги ахборот.

21. Банк Кенгаши ва Бошқаруви иш ҳақи ва бадаллари миқдори тўғрисидаги ахборот акциядорлар умумий йиғилишида ошкор қилинади ва акциядорлар умумий йиғилиши баённомасига киритилади.

22. Банк ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни қонун ҳужжатлари билан назарда тутилган ахборотни ошкор қилишнинг бошқа манбаларида ҳам ошкор қилинишини таъминлайди.

## **V. БАНК БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ АЪЗОЛАРИ, МАНСАБДОР ШАХСЛАРИ, ХОДИМЛАРИ ВА БАНКНИНГ МАНФААТДОР ШАХСЛАРИ ЎРТАСИДА АХБОРОТ АЛМАШИНИШ ТАРТИБИ**

23. Банк Бошқарув органи аъзолари, мансабдор шахслари, ходимлари ва банкнинг манфаатдор шахслари ўртасида ахборот алмашинуви учун Банк масъул ходимни тайинлайди, ахборот алмашинуви ушбу ходим орқали амалга оширилади.

24. Манфаатдор шахсларнинг мазкур Низом билан назарда тутилган ахборотни тақдим қилиш тўғрисидаги ёзма (электрон) талабномаси бўйича Банк масъул ходими, агар қонун ҳужжатлари билан бошқа муддат белгиланмаган бўлса, бир ҳафта мобайнида барча керакли ахборотни электрон кўринишда тақдим қилади.

25. Ҳужжатлар нусхаларини тақдим қилиш зарур ҳолларда, манфаатдор шахс ҳужжатлар нусхаларини тайёрлаш харажатлари қийматидан юқори бўлмаган миқдорда тўловни ва ҳужжатларни почта орқали юбориш билан боғлиқ харажатлар тўловини амалга оширади.

26. Акциядорлар Банк ёки унинг фаолияти тўғрисида хизмат, тижорат, банк сирини ёки қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа сирни ўз ичига олган ахборотни ошкор қилиш ҳуқуқига эга эмас.

## **VI. БАНК АХБОРОТ СИЁСАТИГА РИОЯ ҚИЛИНИШИ УСТИДАН НАЗОРАТНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР**

27. Мазкур Низом билан назарда тутилган ахборотни ошкор қилиш ва Банк тўғрисидаги ахборотнинг оммавий ахборот воситаларида ошкор қилиниши учун Казначейлик департаменти ва Ахборот хизмати, шунингдек бундай ваколатлар берилган шахс жавобгар ҳисобланади.

Банк Бошқарув Раиси ва унинг ўринбосарларидан ташқари бошқа шахслар Банк номидан фаолият юритиш ҳуқуқига эга эмас.

28. Ахборот ошкор қилинишининг тўлиқлиги, асослилиги ва ўз вақтида амалга оширилиши учун Банк Бошқарув Раиси жавобгар ҳисобланади.

29. Банк Кенгаши йилнинг ҳар чорагида мазкур Низом талаблари бажарилиши жараёни тўғрисида Бошқарув ҳисоботини тинглайди.

## **VII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

30. Мазкур Низомга мувофиқ ошкор қилинадиган ахборотнинг ташкиллаштирилиши, ҳолати ва асослилиги учун Банк Бошқаруви жавобгар бўлади.

Ахборотнинг ўз вақтида, сифатли, асосли ва тўлиқ ошкор қилиниши Бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонларидан бири ва унга мукофот пуллари (бонуслар) тўлаш шarti ҳисобланади.

31. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

32. Мазкур Низом йиғилишда қатнашган ёки сиртдан овоз беришда иштирок қилган Банк Кенгаши аъзоларининг кўпчилик овози билан Банк Кенгаши қарори асосида тасдиқланади.

33. Мазкур Низомга ўзгартиришлар ва қўшимчалар Банк Кенгаши аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинган Банк Кенгаши қарори бўйича киритилади.

34. Агар мазкур Низомнинг айрим моддалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига ва/ёки Банк Уставига зид келиб қолса, ушбу моддалар ўз кучини йўқотади ва ушбу моддалар билан тартибга солинадиган масалалар бўйича мазкур Низомга тааллуқли ўзгартиришлар киритиладиган пайтгача Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва/ёки Банк Устави меъёрларига амал қилиниши керак.

**Бошқарув Раиси**

**А.И. Ахмедхаджаев**

**Бошқарув аъзолари:**

**Р.К. Касимов** \_\_\_\_\_

**О.К. Норинбаев** \_\_\_\_\_

**З.А. Галинова** \_\_\_\_\_

**М.Ш. Пулатова** \_\_\_\_\_

**Киритилди:**

**Казначейлик департаменти бошлиғи:**

**И.Х. Исканов** \_\_\_\_\_

**Ахборот технологиялари департаменти бошлиғи:**

**Ш.Х. Камилов** \_\_\_\_\_

**Иқтисодий таҳлил, стратегик ривожланиш ва методологик ишларни ўзаро мувофиқлаштириш департаменти бошлиғи:**

**А.Б. Бахрамов** \_\_\_\_\_

**Ички аудит хизмати бошлиғи:**

**А.А. Кариев** \_\_\_\_\_

**Ички назорат хизмати бошлиғи:**

**М.Д. Мирзаев** \_\_\_\_\_

**Келишилди:**

**Ахборот хизмати бўлими бошлиғи:**

**Э.Э. Зокиров** \_\_\_\_\_